

Мусибатга биринчи зарба пайтида сабр қилиш | Тазкия дарслари (285-дарс)



19:00 / 09.06.2024 2965

Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:

«Қуръондаги сабр уч турлидир:

Аллоҳ таолонинг фарзларига сабр қилиш. Унга юз даража берилади.

Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларга сабр қилиш. Унга олти юз даража берилади.

Мусибатга биринчи зарба пайтида сабр қилиш. Унга тўққиз юз даража берилади», деганлар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

إِلَيْهِ وَإِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا قَالُوا مُصِيبَةٌ أَصَابَتْهُمْ وَإِذَا الَّذِينَ ﴿١٥٥﴾ الصَّابِرِينَ وَبَشِيرِ وَالنَّارِ وَالْأَنْفُسِ الْأَمْوَالِ مِنَ وَنَقَصِ وَالْجُوعِ الْخَوْفِ مِنَ بَشَرٍ وَنَبَلُّوْكُمْ

﴿١٥٧﴾ الْمُهْتَدُونَ هُمْ وَأَوْلِيَاكَ وَرَحْمَةً رَبِّهِمْ مِنْ صَلَوَاتٍ عَلَيْهِمْ وَأُولِيَاكَ ﴿١٥٦﴾ رَجِعُونَ

«Албатта, сизларни бир оз хавф ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга хушхабар бер.

Улар ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир.

Ана ўшаларга Роббларидан саловотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар, ўшаларгина ҳидоят топганлардир» (Бақара сураси, 155-157-оятлар).

«Хавф» деганда душмандан бўладиган хавф-хатар туйғуси тушунилади.

Қаҳатчилик ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган очарчилик ҳам Аллоҳ таолонинг бир синовидир.

Шунингдек, «Мол-мулкка ўғри уриши, офат етиши ёки золимларнинг тажовузи туфайли нуқсон етказиб; жонга турли хасталиклар билан, яқин кишиларнинг, ёр-биродар ва шерикларнинг ўлими, касаллиги билан нуқсон етказиб; меваларга офат етказиш, баракасини кетказиш билан нуқсон етказиш ила синаб кўрамиз», – дейди Аллоҳ таоло.

Бошига шундай синов келган, мусибат етган банда нима қилса яхши бўлади? Бу ҳақда Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, кўрсатма бермоқда:

«Ва сабрлиларга хушхабар бер. Улар ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», – деганлардир».

Демак, мусулмон киши мусибат етганда сабрли бўлиши ва Жаноби Ҳақнинг Ўзи ўргатган дуони қилиши керак. Бу дуо Қуръон тилида:

«Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун», деб талаффуз этилади. Буни айтиш қисқача «истиржоъ» дейилади. Эътибор қилинса, истиржоъда улкан маъно ётибди.

«Албатта, биз Аллоҳникимиз...» яъни «Барчамиз, бор-будимиз Аллоҳники, ҳақиқий эга Унинг Ўзи. Нимани қачон қандай тасарруф қилишни Ўзи билади».

«...ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», яъни «Эртами-кечми, барибир, Унга қайтишимиз бор. Бизга етиб турган мусибат ҳам Унинг Ўзидан. Биз сабр қилишимиз лозим ва шундай қиламиз ҳам». Шу боис, истиржоъга кўп-кўп савоблар ваъда қилинган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.